O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. N

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK PARTIYASI · XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 29-aprel • Payshanba • 50 (31.170) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## Изланувчан ижодкорлар танлови

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, соҳа ходимларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларда журналистларни янада фаолликка, изланишга даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим ўрин тутади.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган фидойи ва ташаббускор ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, янги марралар сари даъват этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Йиғилишда «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар режаси тасдиқланди. Жорий йилда йигирма етти номинация бўйича ўтказилувчи ушбу танловда 450 нафардан ортиқ журналист олти минг етти юзга яқин ижодий иш билан иштирок этмоқда. Қатнашчиларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган журналистлардир.

Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 14 май куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

## Қўқонди латифнинг чиройига-чирой қўшилмоқда

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тобора чирой очиб бораётган шаҳарлар, янгича қиёфага кираётган обод қишлоқлар кўпаймоқда. Кўп минг йиллик тарихга эга шаҳарларимиз ўзининг асрий салоҳиятини тиклаб, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида янада кўркам қиёфа касб этаётир.

Қўқон шаҳри ривожланган саноати ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, истиқлол йилларида шаҳарнинг бу улкан салоҳияти қайта тикланиб, шаҳар йирик ижтимоий-иқтисодий марказлардан бирига айланиб бораётир.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майда қабул қилинган «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида газ, электр, иссиқлик ва сув таъминоти яхшиланди. Янгидан кабеллар ва қувурлар тортилди, зах сувлар кўтарилишининг олди олинди, мактаб, коллеж, институт ва бошқа муассасалар қозонхоналари таъмирланди. «Тез тиббий ёрдам» машиналари парки кенгайтирилди, кўплаб тиббий муассасалар реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда.)

«Фаол аёллар» қаноти







Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

## Имконият етарли

### *ундан самарали фойдалана олаяпмизми?*

Ўзбекистон аҳолисининг 51 фоиздан кўпроғини аёллар ташкил этади. Демак, улар билан ишлаш, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Хотин-қизларнинг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ЎзХДП қошида «Фаол аёллар» қаноти тузилган эди.

Хўш, ўтган давр мобайнида юқоридаги вазифалар бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Қанот Тошкент вилоят бўлимининг «Демократик жамиятни барпо этишда хотин-қизларнинг роли» мавзуидаги конференциясида ана шу масалалар таҳлил қилинди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, фаол аёлларнинг жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, ечимини топиш йўлидаги изланишлари, ташаббуслари деярли сезилмаяпти. Демак, ишимизнинг самараси ҳам шунга яраша.

2-бет >>

Ҳам шериклар, ҳам сайёҳлар учун жозибали мамлакат >2

Кўрилган зарар миқдори >3



Ҳамқишлоқларини сотган қаллоб >4



*«Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор.»*



4-бет

## Бадиий гимнастика кенг ривожланмоқда

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор нафақат шаҳар ва қишлоқларда, балки энг чекка овулларда ҳам замонавий спорт иншоотларининг қад ростлашида, спортчи ёшлар сафи кенгайиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

## Болалар саломатлиги муҳофазаси

Шу кунларда республикамизда (24 апрель 1 май) Европа эмлаш ҳафталиги ўтказиляпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2010 йилга келиб ер юзи мамлакатларида қизамиқ касаллигини бутунлай тугатиш дастурини яратди. Бинобарин, ушбу дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан миллий эмлаш режаси ишлаб чиқилиб, мамлакатимизда қизамиқ билан касалланишнинг узлуксиз эпидемиологик кузатув жараёни олиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар фонди ташаббуси билан ўтказиладиган эмлаш (иммунизация) тадбирларида дунё аҳолисининг салкам учдан бир қисми юқумли касалликлар, қизамиқ, қизилчага қарши эмланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика давлат санитария-эпидемиология хизмати, БМТнинг ЮНИСЕФ болалар фонди ҳамкорликда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 7-шаҳар клиник шифохонасида «Европа эмлаш (иммунизация) ҳафталиги»га бағишланган семинар ташкил этди.

Мамлакатимизда «Европа эмлаш ҳафталиги» халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда учинчи марта ўтказилмоқда. Бу ҳафталик барча Европа давлатларида ҳам ташкил қилинади. Мазкур ҳафталик доирасида баъзи сабабларга кўра эмлашга жалб қилинмай қолган 2 ёшгача бўлган болалар тўлиқ қамраб олинади. 2006-2007 йилларда ўтказилган ҳафталикларда 10 миллион нафар аҳоли, болалар қизамиқ ва қизилчага қарши эмланди. Натижада республикамизда болалар орасида 1995 йилдан полимелит, 2000 йилдан дифтерия, 2007 йилдан буён қизамиқ касаллиги қайд қилинмади.

2010 йилда 650 минг бола эмлаш дастури доирасида қамраб олинади. ЖССТ, ЮНИСЕФ ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда Ўзбекистонда режали эмлаш кўрсаткичлари 95 фоизни ташкил этиши эътироф этилган. Жорий йилнинг 19 апрелидан 1 майгача ЖССТ, ЮНИСЕФ консультантлари барча вилоятларимизда бўлиб, эмлаш ҳафталиги жараёнини кузатиб боради. Бу йилги ҳафталикда энг замонавий усулда — битта инъекция билан 5 та юқумли касалликка қарши вакцина қўлланади, бу жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.

Дарҳақиқат, аҳолини, айниқса, фарзандларимизни ўз вақтида турли хил юқумли хасталикларга қарши эмлаш, уларнинг саломатлигини муҳофазалашнинг ишончли омилидир.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эртага пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бошланади.

## Ёш полвонларимиз курашга шай

Мазкур нуфузли мусобақага қитъамизнинг йигирмадан зиёд давлатларидан ёш курашчилар ташриф буюриши кутилмоқда.

— Сингапур олимпиадасига йўлланма берувчи мусобақада қитъамизнинг энг кучли ёш курашчилари гиламга чиқишади, — дейди юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Олим Қурбонов. — Мутахассисларимиз ишонч билдирган курашчилардан қўқонлик Муҳаммадисо Аҳмадалиев (58 кг) ҳамда самарқандлик Руслан Камилов (85 кг) ўтган йили Ҳиндистонда ўтказилган қитъа биринчилигида Осиё чемпиони унвонини қўлга киритган бўлса, Баҳром Муродов (69 кг) шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олганди. Шунингдек, пойтахтлик Собиржон Қозоқбоев (42 кг) ҳамда самарқандлик Нурбек Ҳаққулов (50 кг) Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар ғолиби саналади.

— Асли бухороликман, — дейди Муҳаммадсиддиқ Жўраев (63 кг). — Айни пайтда пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари спорт коллежининг эркин кураш бўлимида таҳсил олаяпман. Ўтган йили Ҳиндистонда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида кумуш медалга сазовор бўлгандим. Бу мусобақада мендан ташқари эркин курашчилар Муслим Абдурашидов (46 кг), Жамшид Кенжаев (54 кг), Диёр Эргашев (76 кг) ҳамда Аслонбек Гадоев (100 кг) ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Тошкент халқаро турнирида эркин кураш бўйича қизлар ўртасида тўртта (46,52,60,70 кг) вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади. Унда Нилуфар Гадоева (52 кг) ҳамда Шоҳиста Тошпўлатова (60 кг) Сингапур олимпиадаси йўлланмаси учун гиламга чиқади.

**(Ўз мухбиримиз.)**

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

### 29 апрель об-ҳавоси



| Юртимизда | | Хорижда | |
|---|---|---|---|
| Тошкент | 25°C | Лондон | 17°C |
| Самарқанд | 27°C | Париж | 27°C |
| Нукус | 22°C | Москва | 13°C |
| Қарши | 30°C | Мадрид | 26°C |
| Урганч | 23°C | Пекин | 17°C |
| Навоий | 28°C | Гонгконг | 25°C |
| Фарғона | 27°C | Рим | 21°C |
| Бухоро | 29°C | Анқара | 18°C |
| Андижон | 27°C | Токио | 22°C |
| Наманган | 27°C | Стокгольм | 14°C |
| Термиз | 32°C | Кейптаун | 23°C |
| Жиззах | 28°C | Қоҳира | 27°C |
| Сирдарё | 27°C | Гавана | 31°C |
| Тошкент вил. | 26°C | Вашингтон | 14°C |
| | | Нью-Йорк | 19°C |





# Имконият етарли

## ундан самарали фойдалана олаяпмизми?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, «Фаол аёллар» қаноти фақатгина мавсумий тадбирлар ташкилотчисига айланиб қолаётгани ҳамда туманларда етакчиларнинг ишида қўнимсизлик кўзга ташланмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова. — Айрим вилоят партия кенгашлари раҳбарлари мазкур масалага лоқайд муносабатда бўлмоқда. Жойларда «Фаол аёллар» қаноти раиси ва унинг ўринбосари лавозимларига номзодлар танлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада қанот таркибида сиёсий фаол, раҳбарлик лавозимларида ишлаётган, депутат этиб сайланган аёллар нисбатан озчиликни ташкил этмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан «Фаол аёллар» қаноти Янгийўл шаҳар, Пискент, Чиноз туман бошқаруви раислари Фарида Жўрабекова, Назира Шоматова, Азиза Полвоновалар тарғибот ишларининг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш, қишлоқлардаги хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, миллий менталитетимизга зид айрим иллатларнинг олдини олиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида ўз таклифларини билдирди.

**Дилафрўз ЗАЙНИЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Инсон ҳамиша эртанги куни бугунгидан файзли, гўзал бўлишини орзу қилади. Шубҳасиз, ўзининг эртанги куни, орзу-истакларининг рўёбини фарзандлари тимсолида кўради. Юртбошимиз «Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради», дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Бугуннинг умиди — эртанинг суянчи

Дарҳақиқат, эртанги кунимизнинг қандай бўлиши бугун баркамол авлод таълим-тарбиясига боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, илк қабул қилинган қонунлар ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бундан ташқари, кўплаб давлат дастурлари қабул қилинди. Уларнинг самарали ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолатдир.

2010 йил 27 январда Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бу борадаги меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим, маданият, спорт соҳасини ривожлантиришдаги кенг қамровли ислоҳотлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши кузатилмоқда. Жумладан, ўтган 2009 йилда болалар ўртасида жиноятчилик 2,6 фоизга камайди. Аммо вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чораларга қарамасдан, болаларнинг қаровсиз қолиш ҳоллари ҳамон ташвишли бўлиб турибди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти тунги вақтларга тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанлар, интернет кафелар, барлар, дискотекалар, кинотеатрлар каби хизматлар кўрсатиш хоналари ёки кўнгилочар, дам олиш жойларида бўлишига йўл қўйилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш зарурати юзага келди.

Мазкур ҳолат чуқур ўрганилиб, таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган эди. Мазкур лойиҳа Қонунчилик палатасида чуқур муҳокамадан ўтди. Депутатлар, турли фракциялар томонидан кўплаб фикрлар, таклифлар билдирилди. 2010 йил 23 апрель куни палата ялпи мажлисида мазкур қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юбориладиган бўлди.

Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, кеч соат 22 дан то соат 6 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Демак, вояга етмаган бола (18 ёшгача) тунги соатларда ота-она ёки уларнинг ўрнини босадиган вакилсиз кафе-ресторанларга киритилса, мазкур муассаса раҳбарига нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Қонунда ҳуқуқбузарликнинг субъектига энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилмоқда.

Бундай чора болага етти қўшни ота-она деган миллий тушунчамизга мос бўлиб, фарзанд тарбиясида жамоатчиликнинг масъулиятини оширади. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ушбу ҳолатларни профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан оширишга қаратилган. Мамлакатимизнинг бугунги куни ва эртаси, юртимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга қаратилган мазкур қонунлар қабул қилинишини Ўзбекистон ХДП фракцияси фаол қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади».

Ушбу мақсад йўлида меҳнат қилиш, фарзандларимиз таълим-тарбияси учун қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Комила КАРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Аёл зийрак ва ташаббускор бўлса

## бундан оила ҳам, жамоа ҳам, жамият ҳам манфаатдор бўлади

Жиззах вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳақида ҳам очиқ гапирилди.

Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Пахтакор туманларида «Фаол аёллар» қанотлари ташаббуси билан ўтказилган ва хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, жамиятдаги мавқеи, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, оналар ҳамда болалар саломатлигига дахлдор тадбирлар ўзининг самарасини бераётганини алоҳида таъкидламоқ керак.

Конференцияда қанот томонидан ижтимоий-иқтисодий жараёнларда хотин-қизларнинг ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини оширишга алоқадор кўплаб ибратли ишлар қилингани қайд этилди. Шунинг билан бирга, камчиликлар ҳам оз эмаслиги таъкидланди. Хусусан, музокараларда сўзга чиққан партия фаоли Умри Сиддиқова, Ғаллаорол, Дўстлик, Пахтакор, Фориш туманлари партия кенгашларининг «Фаол аёллар» қанотлари раисларининг тез-тез алмаштирилаётгани натижасида кадрлар қўнимсизлиги юз бераётганлиги ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, партиядош хотин-қизларнинг бошланғич ташкилотлар, шаҳар ва туман кенгашлари билан алоқалари узилиб қолаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Конференция сўнггида ташкилий масала кўриб чиқилди. Гулнора Қултоева вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси этиб сайланди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар терроризм ва гиёҳвандликка қарши» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

# Ёшлар терроризм ва гиёҳвандликка қарши

Тадбирда асосий эътибор турли ақидапарастлик оқимларининг асл мақсади, ёшлар маънавиятига тажовуз қилаётган бузғунчи ғояларга қарши курашнинг самарали усулларидан фойдаланиш масаласига қаратилди.

Динни ниқоб қилиб олган ғаламислардан ёшларимизни ҳимоя қилиш, азалий ва ўлмас қадриятларимизни асраб-авайлаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, она Ватанимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш ҳаммамизнинг асосий вазифамизга айланмоғи шарт, дея таъкидлашди давра суҳбати қатнашчилари.

Гиёҳвандлик бугунги кунда энг долзарб глобал муаммолардан бирига айланди. Ушбу муаммо бутун дунё жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда. Шу боисдан ҳам гиёҳвандлик балосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш жаҳон ҳамжамиятининг куч ва воситаларини бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Гиёҳвандликнинг ёшлар, хусусан, вояга етмаганлар, шунингдек, аёллар орасида тарқалиб бораётгани унинг хавфи янада ортаётганини кўрсатиб турибди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, бекор қолишларига йўл қўймаслик, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдиришди.

Шунингдек, Қарши шаҳридаги «Темирйўлчилар» маданият саройида диний экстремизмга қарши курашишда маънавий, мафкуравий тарбиянинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят маънавият тарғибот маркази, ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

# Ҳам шериклар, ҳам сайёҳлар учун

## жозибали мамлакат

***Қарийб бир вақтнинг ўзида Франциянинг иккита нашри — «Le Journal Toulousain» ва «L'Echo des Entreprises» газеталари Ўзбекистоннинг иқтисодий, инвестициявий ва сайёҳлик салоҳияти, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни эълон қилди.***

Жанубий Пиренея ҳудудининг «Жануб-Шимол» иқтисодий ва маданий ривожланиш агентлиги президенти, «Ўзбекистонни кашф этиб» мақоласи муаллифи Жилбер Салинас Ўзбекистон билан мазкур ҳудуд ўртасида тўғридан-тўғри иқтисодий ва сармоявий алоқаларни йўлга қўйишнинг муҳимлигига эътибор қаратади.

«Мен Ўзбекистонга бориб, ўзим учун ислом ва жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган, бой маданий меросга эга бўлган мамлакатни кашф этдим», деб ёзади Ж.Салинас. У Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал Фарғоний, Муҳаммад ал Хоразмий каби бугунги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган буюк олимлар ҳақида ҳикоя қилади.

Европа ва Осиё ўртасида ўзига хос кўприк саналиши ҳамда бой табиий ресурслар, ривожланган саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигига эгалиги билан бирга, Ўзбекистон ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликка катта эътибор қаратади, деб ёзади муаллиф. У мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишига, тинчлик ва барқарорликка ҳамда халқ фаровонлигига эришилганини юқори баҳолайди.

«Азалдан халқаро савдо йўлининг чорраҳасини макон этиб келган Ўзбекистон муҳим геостратегик жойлашувга эга, дея таъкидланади «L'Echo des Entreprises» газетасида эълон қилинган «Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятлар мамлакати» сарлавҳали мақолада. — Мамлакат бетакрор тарихий ёдгорликларга ҳам бойдир, бундай обидаларни Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларда кўплаб учратиш мумкин».

Ўзбекистонни улкан салоҳиятга эга давлат сифатида таърифлар экан, мақола муаллифи газетхонларни самолётсозлик, автомобилсозлик, электротехника, металлургия, газлама ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш каби мамлакатнинг асосий саноат тармоқлари билан таништиради. Шунингдек, ривожланган қишлоқ хўжалигига эга Ўзбекистон нафақат ўз аҳолиси эҳтиёжларини қондиради, балки озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ҳам қилиши таъкидланади.

«Мамлакат ҳукумати томонидан хорижий инвестицияни жалб қилиш ва қулай сармоявий муҳитни шакллантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон жуғрофий жойлашуви ва иқтисодий барқарорлиги жиҳатидан хорижий ҳамкорлар учун жуда жозибали мамлакат ҳисобланади» — деб ёзади «L'Echo des Entreprises».

**«Жаҳон» АА,**
*Париж*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Қўқонди латифнинг чиройига-чирой қўшилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 октябрда қабул қилинган «Қўқон шаҳрини индустриал ривожлантириш, ободонлаштириш ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ҳамда 2009 йил 15 декабрда имзоланган «Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Қўқон шаҳрида янгидан барпо этилган деҳқон бозорида сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари, кийим-кечаклар билан савдо қилувчи замонавий кўринишдаги кўп қаватли савдо марказлари иш бошлади. Савдо-сотиқ жараёнини тартибга солиш мақсадида бозор павильонлари техник жиҳатдан мукаммал жиҳозланди. Бу ерга Қўқон атрофидаги туманлардан деҳқон ва фермерлар ўз маҳсулотларини олиб келади. Шу боис бозор атрофида логистика тизими жорий этилди. Автотранспорт хизматини яхшилаш мақсадида автошоҳбекатлар бунёд этилди, юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш учун қулай инфратузилма шакллантирилди.

Савдо мажмуаси қурилишида қўлланилган услублар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ерда миллий меъморчилик анъаналари замонавий архитектура билан уйғунлашиб кетгани яхши самара берди.

— Юртбошимизнинг тавсиялари асосида бугунги кунда шаҳримиз янада кўркам қиёфа касб этмоқда, — дейди Қўқон шаҳар ҳокими Шуҳрат Собиров. — Ҳозир шаҳарнинг етти ҳудудида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ўрда, Ҳамза Умаров номидаги кинотеатр, вокзал олдидаги майдонлар, Чорсу, Озодлик хиёбони ва бошқа ҳудудларни тубдан реконструкция қилиш, шаҳарнинг ўзига хос меъморий кўринишини сақлаган ҳолда архитектуравий қиёфасини мутлақ янгилаш бўйича изчил иш олиб борилаётир. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш борасида ҳам чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шаҳардаги 27 йирик ва ўрта саноат корхоналарини замонавий асосда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида 242 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Ижтимоий-иқтисодий субъектларга киритилиши мўлжалланган 40 инвестиция лойиҳасининг 20 таси жорий йил, қолгани эса кейинги икки йил ичида амалга оширилади.

Қурилиши тугалланмай қолган «Тўқимачилик комбинати» негизида янги йигирув-тўқув мажмуасини ташкил этиш ана шундай инвестиция лойиҳаларидан биридир. Шунингдек, яқин кунларда «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамиятида ўсимлик ёғини зарарсизлантириш ва қадоқлаш цехлари ишга туширилади. «Эффектив ойл» хорижий корхонасида эса йилига 1,5 тонна данак ёғи, 632 тонна мураббо, джем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тадбирлари доирасида «Улуғбек» акциядорлик жамияти «Асака банк» балансига ўтказилди. Корхона тўлиқ қайта ташкил этилгач, бу ерда 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Шу билан бирга, «Қўқон суперфосфат заводи», «Қўқон механика заводи», «Кўнчи», «Электромаш» каби кўплаб корхоналарда ҳам янги лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Маданий ва тарихий обидаларни, коммунал соҳа объектлари ва тармоқларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари давом этаётир. Миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, хусусан, Ўрда, Жоме масжиди ҳамда маъмурий, маданий-маиший биноларни қайта таъмирлаш, асл ҳолига келтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Айниқса, шаҳар маркази тобора кўркам ва мафтункор тус олаётир. Бу ерда ёшлар учун дам олиш маскани барпо этилмоқда. Бу ерга замонавий аттракционлар, янги кўринишдаги фавворалар ўрнатилади, сервис хизматлари йўлга қўйилади.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «Airbus» ишчилари

## *акцияни давом эттирмоқдалар*

«Airbus» компаниясининг Франциядаги заводлари ишчилари 26 апрелдан буён норозилик акциясини, аниқроғи, иш ташлашни давом эттирмоқда.



«Интерфакс» АА хабарига қараганда, бу акцияни «Airbus» ходимлари манфаатини ҳимоя қилувчи 5 та касаба уюшмалари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Иш ташлаш жума кунгача давом этади.

Таъкидлаш лозимки, касаба уюшмалар режасига биноан заводларнинг турли ишлаб чиқариш участкалари галма-галдан иш ташлаш акциясини ўтказмоқда. Масалан, душанба куни Тулуза, Сен-Назара ва Нантдаги «А-330» ҳамда «А-340» авиалайнерларини йиғув заводлари ишчилари иш ташлаган бўлса, сешанба куни «А-320», чоршанба куни эса «А-380» авиалайнерларини йиғиш бўлинмалари ишчилари иш ташладилар. Бугун эса самолётларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш заводи, эртага «Airbus» бош идораси ва тадқиқот бюроси ходимлари норозилик акцияси «эстафета»сини қабул қилади.

Ишчилар ўз маошлари 3,5 фоизга оширилишини талаб қилмоқда. Акция иштирокчиларининг айтишларича, мамлакатда пулнинг қадрсизланиш даражаси жорий йил июль ойигача 1,2 фоизгача ортиши мумкин, маошлар эса 1, айрим соҳаларда 0,5 фоиз оширилиши мўлжалланмоқда.

Эслатиб ўтамиз: «Airbus» компанияси Европа аэрокосмик концерни — «EADS»нинг филиали ҳисобланади. Унинг заводлари Франция, Германия, Испания ва Буюк Британияда жойлашган.



Хорижда

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик «Mazda» корпорацияси йилни жуда катта зарар билан якунлади. Яъни 2009 йил 31 мартдан 2010 йил 31 мартгача корпорациянинг ишлаб чиқариш ҳажми 11 бараварга — 6,47 миллиард иена (69 миллион доллар)гача тушиб кетди. Аввалги йили ишлаб чиқариш ҳажми 71,48 миллиард иена (759 миллион доллар)ни ташкил этган эди.

# Кўрилган зарар миқдори

## *жуда катта*



Автомобилларнинг савдоси ҳам жуда пасайган. 2008 йили 2,536 триллион иенага тенг (27 миллиард доллар) автомобиль сотилган бўлса, 2009 йили бу рақам 2,164 триллион иена (23 миллиард доллар)ни ташкил этди. 2009 йилда корпорация дунёга 1,193 миллионта автомобиль сотди холос. Бу аввалги йилдагига нисбатан 5 фоиз камдир. Масалан, «Mazda» савдоси Шимолий Америкада 12 фоизга, Европада 26 фоизга тушиб кетди. Россияда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Фақат Япония (1 фоиз) ва Хитойдагина (46 фоиз) ўсишга эришилди холос.

«Новости» АА хабар қилишича, «Mazda» корпорациясида ишлаб чиқариш ҳажми ва автомобиль савдосининг бу қадар тушиб кетишига сабаб дунё бўйича кенг миқёс олган молиявий-иқтисодий инқироздир.

# ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»




***ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР №3, 2010 года на приобретения оборудования по ниже следующим лотам согласно графика поставки (2-3 квартал 2010 года):***

**ЛОТ№1.** Дробилка щековая с простым движением щеки в количестве 1 единицы.

**Лот№2.** Дробилка конусная среднего дробления с пружинной амортизацией и механическим регулированием щели в количестве 1 единицы.

**Лот№3.** Грохот инерционный в количестве 2-х единиц.

**Лот№4.** Грохот инерционный в количестве 4-х единиц.

**Лот№5.** Питатель пластинчатый в количестве 1 единицы.

**Лот№6.** Экскаватор одноковшовый гусеничный в количестве 1 единицы.

За тендерной документацией и за техническим заданием обращаться по адресу: Г.Ташкент, ул. Т.Щевченко, 7.

ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари». Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410, тел: 237-94-72, 237-96-33, тел/факс: 140-00-23. E-mail-aleksazizov@ vandex.ru.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.




Иқтисодиёт ва ислоҳот

Сўнгги йилларда банк корпоратив мижозлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда аниқ тизимли банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Ҳар бир мижознинг банк хизматларига эҳтиёжини имкон қадар қондириш, фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишлашдаги асосий тамойилларидир.

AGROBANK

# Янги иш ўринлари

## яратилишида ОАТБ «Агробанк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг ҳам ўз ўрни бор

*Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида «Банк — мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда.*

*Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йил сайин ортаяпти. Жумладан, 2009 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 13 млрд. 285 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, бу йил 17 млрд. 900 млн. сўм кредит берилиши режалаштирилган.*

*Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 1,9 млрд. сўми узоқ муддатли ва 1,2 млрд. сўми қисқа муддатли бўлиб, шу ҳисобига 588 та янги иш ўринлари яратилди.*

*«Софан» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасига нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси ва хомашё сотиб олиш мақсадида «Агробанк»нинг Қарши шаҳар бўлими томонидан 47 млн. сўм кредит ажратилганди. Бу корхона бир йилда макарон маҳсулотлари сотишдан 616 млн. сўм даромад олди. Бугунги кунда 10 та янги иш ўрни яратилиб, аҳолининг нон ва макарон маҳсулотларига бўлган талаби қондириб келинмоқда.*

*«Садаф-С» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига эса пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида янги ишлаб чиқариш ускуналари ва хом-ашё сотиб олиш учун «Агробанк»нинг Шаҳрисабз туман филиали томонидан 30 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, 1 йилда ишлаб чиқарилган пишлоқ маҳсулотини сотишдан 100 млн. 800,0 минг сўм даромад олинмоқда. Бугунги кунда 5 та янги иш ўрни яратилиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.*

*«Алихон» кўп тармоқли хусусий фирмасига Хитойнинг «Идирис» савдо компаниясидан печенье ишлаб чиқариш минитехнологиясини сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан «Агробанк»нинг Китоб филиали томонидан 20 млн. сўм кредит ажратилган. Минитехнология ёрдамида ишлаб чиқарилган печенье маҳсулотини сотишдан 1 йилда 79 млн. сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.*

*Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарма томонидан 2009 йилда кредитлаш режасидаги 474. млн. сўм ўрнига 489 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Жорий йилнинг ўтган уч ойида 8 та ёш оилани қўллаб-қувватлашга 18 млн. сўм миқдорида микрокредитлар берилди.*

*Кам таъминланган оилаларнинг шахсий ва ёрдамчи хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили режадаги 900 млн. сўм ўрнига 1 млрд. сўмдан зиёд миқдорида кредит ажратилди.*

*Банк филиаллари томонидан ажратилган кредитлар таркибида микрокредитлар салмоғи катта. Жумладан, 2009 йилда банк филиаллари бўйича 2 млрд. 955 млн. сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич 3 млрд. 136 млн. сўм қилиб бажарилди. Дарвоқе, «Халқаро тараққиёт уюшмаси» кредит линияси ҳисобидан ҳам 1 млрд. 171 млн. сўмлик кредитлар амалга оширилди. Иқтисодиёт реал секторида фаолият юритаётган кичик бизнес вакилларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 657 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди.*

*«Агробанк» ходимлари деҳқонларга доимо мададкор. Уларга кредитлар ҳамиша ўз вақтида бериб борилади. Масалан, шу йил бошланганидан буён 1 миллиард 589,5 млн. сўм берилганлиги фикримиз далилидир.*

*Қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун жами 16 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилган бўлиб, шундан Класс «Доминатор-130» сотиб олишга 430 млн. сўм, занжирли тракторлар сотиб олиш учун 53 млн. сўм, ТТЗ-80, ТТЗ-100, МТЗ-80 тракторлари сотиб олишга 304 млн. сўм, бошқа техникалар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 480 млн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиб, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини қўллаб-қувватлашга доимий кўмак бериб борилмоқда.*

*Бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш учун 163 млн. сўм, суғориш иншоотлари барпо этиш учун 20 млн. сўм, картошкачиликни ривожлантириш мақсадида 36 млн. сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун 12 млн. сўм, иссиқхоналар ташкил этиш учун 105 млн. сўм кредит берилган.*

*Банк пластик карталарини жорий қилиш ҳисобига пластик карталар воситасида терминаллар орқали 46 млрд. сўм миқдорида турли хилдаги тўловлар амалга оширилган. Банк пластик карталари орқали хизмат кўрсатиш ва савдо фаолиятини амалга ошириш учун 1100 та хўжалик субъектлари терминаллар билан таъминланди. Аҳолига 116 мингта пластик карталар орқали тўловларни амалга ошириш имконияти яратиб берилди.*

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

# Ҳурматли истеъмолчилар!

***Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.***

| Ҳудудий бошқармалар | Ишонч телефонлари |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8(361) 222-30-11 |
| Андижон | 8(374) 222-17-01 |
| Бухоро | 8(365) 223-70-48 |
| Жиззах | 8(372) 226-10-01 |
| Қашқадарё | 8(375) 226-24-01 |
| Сурхондарё | 8(376) 223-63-25 |
| Наманган | 8(369) 233-29-56 |
| Навоий | 8(436) 226-11-74 |
| Хоразм | 8(362) 226-30-93 |
| Фарғона | 8(373) 224-08-25 |
| Сирдарё | 8(367) 225-07-30 |
| Самарқанд | 8(366) 235-88-44 |
| Тошкент вилояти | 8(371) 241-67-98 |
| Тошкент шаҳри | 8(371) 233-09-39 |



**М.В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ**

2010 йил 6 май куни соат 10:00 дан 17:00 гача

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Филиалда қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар тайёрланади:

- ***Амалий математика ва информатика***
- ***Психология***

*Манзилимиз:* Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 22-уй. Мўлжал – Тошкент автомобиль йўллари институти ёнида

www.msu.uz

*маълумот учун телефонлар:* (+99871) 232-28-22, 232-28-11

*Факс:* (+99871) 232-28-11

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Марказий Кенгаш бўлим мудири Маҳмуд Тоировга онаси

**ТОҲИРА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Жамият» газетаси таҳририяти бўлим мудири Маъмуржон Қиёмовга укаси

**Абдуқаюм ҚИЁМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Бадиий гимнастика кенг ривожланмоқда



Арслон ҚАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Нукус шаҳар ҳокими Сапарнияз АЛЛАНАЗАРОВ** ЎзА мухбири билан суҳбатда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, қизларни спортга кенг жалб этиш, хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жисмонан соғлом, тафаккури кенг, Ватани ва халқига содиқ, масъулият ҳисси юксак авлодни камол топтиришда спортнинг ўрни беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга, хусусан, спортнинг бадиий гимнастика турини янада оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нукус шаҳрида тегишли мутахассислардан иборат махсус комиссия тузилиб, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, қизлар шуғулланадиган спорт турларини, хусусан, бадиий гимнастикани янада ривожлантириш мақсадида барча спорт мактаблари, клублар ва спорт залларида яратилган шарт-шароитлар ўрганиб чиқилди.

Шаҳримиздаги тўртта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, шунингдек, «Прогресс» тил ўрганиш марказида, Нукус олимпия захиралари спорт коллежи, 16-, 34-умумтаълим мактаблари ҳамда 35-мактабгача таълим муассасасида бадиий гимнастика машғулотлари олиб борилмоқда. Мазкур муассасалардаги спорт заллари ва машғулот хоналари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан махсус гиламлар, булава, обруч, лента, копток, скакалка каби зарур инвентарлар билан тўлиқ таъминланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли 2-кўптармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида замон талаблари даражасида жиҳозланган учта спорт зали бўлиб, уларда 892 ўғил-қиз спортнинг 14 тури бўйича шуғулланмоқда.

Бу ерда ташкил қилинган бадиий гимнастика тўгарагида элликка яқин қизлар биринчи тоифали мураббия Нигора Полвоновадан маҳорат сирларини ўрганаётир. Бадиий гимнастикачилар орасида «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчи қизларимиз бор. Ўтган йили Учқудуқ шаҳрида ушбу спорт тури бўйича ўтказилган «Қизилқум гуллари» мусобақасида мактаб вакилалари Гумисай Ешбоева кумуш ва Гулистон Отамуратова бронза медали соҳибаси бўлди.

Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастикачи қизлари эришаётган ютуқлар ҳам эътирофга лойиқ. Бу ердаги 149 ўқувчи-қизнинг 11 нафари биринчи, 97 нафари иккинчи ва учинчи разрядга эга. Беш тажрибали мураббиядан қунт билан сабоқ олаётган гимнастикачи қизлар турли даражадаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётир. Улсара Ембергенова, Гулмира Қобулова, Юлия Ким, Жадра Бозорбоева сингари истеъдодли қизлар спорт усталигига номзод талабини бажардилар.

Бадиий гимнастика билан болаликдан шуғулланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, шаҳардаги 35-болалар боғчасида очилган бадиий гимнастика тўгараги машғулотларида ўттиз нафар қизалоқ қатнашмоқда. Келгусида бу жажжи гимнастикачиларимиз сафидан мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қиладиган моҳир спортчилар етишиб чиқишига умид қиламиз.

Ҳозир шаҳарда жами 33 минг 945 нафар қиз спортга жалб этилган бўлиб, улар асосан волейбол, баскетбол, миллий кураш, енгил атлетика, спорт гимнастикаси машғулотларида қатнашмоқда. Айни пайтда 200 нафардан зиёд қиз бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланаётир. Кейинги пайтда спортнинг ушбу турига қизлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида катта қизиқиш пайдо бўлаётганини, натижада бадиий гимнастикачиларимиз сони ошиб бораётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Уларга саккиз малакали мураббия устозлик қилмоқда. Мураббияларнинг 6 нафари олий маълумотли, ўз касбининг фидойиларидир.

Эришилаётган муваффақиятлар билан бирга ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бадиий гимнастика билан шуғулланувчиларни ўзига хос либослар билан таъминлаш, юқори савиядаги мусобақалар ташкил этиш, малакали мураббияларни кўпайтириш борасида яқин келажакдаги вазифаларни аниқ белгилаб олдик. Хусусан, шаҳримиздаги мавжуд тикувчилик корхоналари ўртасида бадиий гимнастикачи қизлар учун миллий руҳда янги дизайндаги либослар танлови эълон қилинди. Бадиий гимнастикани ривожлантириш мақсадида шаҳар ҳудудидаги иқтисодий салоҳияти бақувват корхона ва ташкилотлардан ҳомийлар белгиланди.

Бадиий гимнастика – навқиронлик, гўзаллик демакдир. Иқтидор ва салоҳият бобида, ғайрат-шижоатда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган бадиий гимнастикачи қизларимиз сафи кенгайиши муҳим аҳамиятга эга. Уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, қобилиятини юзага чиқариши учун барча шароитларни яратиш зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Бу жамият равнақи ва келажак олдидаги масъулиятдир.

**ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ ёзиб олди.**

СПОРТ ✦ СПОРТ

# «Насаф», «Пахтакор», «Бунёдкор» кейинги босқичда!

ОФК кубоги баҳсларида Қаршининг «Насаф» жамоаси гуруҳ учрашувларини муваффақиятли якунлади.

Мусобақанинг «С» гуруҳида тўп сурган ҳамюртларимиз кейинги босқичга йўлланма олиши учун Дамашқда «Ал-Жаиш» (Сурия) футболчиларига қарши учрашувда камида бир очкони қўлга киритишлари зарур эди. Гарчи, ўйин тенг курашлар остида ўтган бўлсада, учрашувнинг 35-дақиқасида мезбонлар вакили Моҳир ал-Саид ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Агар бу баҳсда сурияликлар икки тўп фарқи билан ғалаба қозонгудек бўлишса, «Насаф» жамоаси гуруҳда қолиб кетарди. Шу боис иккинчи бўлим янада шиддатли ва ҳужумларга бой давом этди. Афсуски, 77-дақиқада моҳир ҳужумчимиз Сергей Кротнинг майдондан четлатилиши ўйинда кутилмаган ҳол бўлди. Шунга қарамай, ўзларида ирода топа олган футболчиларимиз 89-дақиқада ҳисобни тенглаштиришнинг уддасидан чиқишди. Ҳимоячи Артём Филипосян томонидан киритилган гол «Насаф» жамоаси учун кейинги босқич йўлланмасини туҳфа қилди — 1:1.

Мусобақа низомига кўра, Қувайтнинг «Казма» ҳамда Қаршининг «Насаф» футболчилари кейинги босқичга йўлланма олдилар. 11 май кунига белгиланган кейинги босқич баҳсини «Казма» жамоаси ўз майдонида, «Насаф» вакиллари эса сафарда ўтказишади.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи учрашувлари ҳам ниҳоясига етди. «С» гуруҳида муносиб тўп сурган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси аъзолари охирги тургача ўз гуруҳларида пешқадам бўлиб туришганди. Сўнгги турда Саудия Арабистонида «Ал-Шабаб» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар рақибларига имкониятни бой беришди — 1:2. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса БААнинг «Ал-Айн» вакиллари Эроннинг «Сепахон» жамоасини енгди — 2:0. Натижада «Пахтакор» футболчилари гуруҳда иккинчи ўринни банд этди. Энди пахтакорчилар бир учрашувдан иборат плей-офф баҳсини сафарда ўйнайди.

Мусобақанинг «В» гуруҳида ўзининг беқарор ўйинлари билан кўпчиликни ажаблантирган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси кеча охирги турда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» вакилларини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Зобахан» (Эрон) — «Ал-иттиҳод» (Саудия Арабистони) — 1:0.

Бу натижалар «Зобахан» ва «Бунёдкор»ни кейинги босқичга олиб чиқди.

**Эркин ХОЛБОБО**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Тадбир

# Промо-акция ғолиби аниқланди

Бугунги кунда бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими такомиллашиб бормоқда. Замонавий ҳисоб-китоб усули бўлган пластик карточкалардан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши ҳам аҳолига катта қулайлик ва имкониятлар яратди. Шу боис, аҳолини ушбу тизимга янада кенгроқ жалб этиш ва унинг афзалликларини жамоатчилик орасида кенг тарғибот қилишда республика миқёсида ўтказиладиган промо-акцияларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 16 февраль куни «VISA International» компанияси вакиллари «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида юртимизга ташриф буюрган чоғида ҳамкорликдаги янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган эди. Унга кўра 250 000 сўмдан кам бўлмаган ўнта транзакцияни амалга оширган пластик карточка соҳиби бош мукофот — жорий йилда Жанубий Африка Республикасида ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш бўйича промо-акцияда қатнашиш имкониятига эга бўлиши мумкинлиги кўрсатилганди. Қолган ютуқларни қўлга киритиш учун 200 000 сўмдан кам бўлмаган бешта транзакцияни амалга ошириш назарда тутилган эди.

Куни кеча пойтахтимизда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Нодирабегим филиалида мазкур промо-акциянинг якуни, яъни ғолибларнинг номлари аниқланиб, эълон қилинди.

— 15 мартдан 15 апрелга қадар давом этган промо-акция мобайнида бош соврин учун пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги супермаркет ва бошқа савдо хизмат кўрсатиш шохобчаларида VISA пластик карточкаларидан фойдаланганлар сони 15 мингтага яқин бўлса, қолган совринлар учун 28 мингдан зиёд шахслар иштирок этишди. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад — банкимизнинг пластик карточкаларидан фойдаланувчиларни рағбатлантириш ва юртимизда пластик карточка эгалари сонини янада кўпайтиришдир, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бошқарув раисининг ўринбосари Маҳмуджон Мирзабоев.

Тадбир сўнггида кўплаб ютуқлар қатори бош мукофот ғолиби ҳам аниқланди. Энди бу юртдошимиз бевосита Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига боради.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Огоҳ бўлинг, одамлар!



# Ҳамқишлоқларини сотган қаллоб

## ёки ширин ёлғонларга алданиб, қуллик тўрига тушиб қолганлар ҳақида

Юсуф айни кучга тўлган, тоғни талқон қиладиган ёшда. Қалбида орзулар бир олам, тизгинсиз ўй-хаёлларининг чеки-чегараси йўқ. Гоҳида жарақ-жарақ пул топиб, тўсатдан бой-бадавлат одамга айлангиси, баъзан кинолардагидай иномарка машиналарда ялло қилиб юргиси келади. Бунинг учун эса орзуга яраша меҳнат қилиш талаб этилади. Аммо...

Кунлардан бир куни у анчадан бери Қозоғистонда яшаб ва ишлаб юрган ҳамқишлоғи Тўрабой Бекназаров ота-онасини кўргани келганини эшитиб қолди. Уч-тўрт тенгдош бир бўлиб уникига ўтишди. Бу пайтда Тўрабой қишлоқдошларига Қозоғистонда кўрган-кечирганлари, иш ҳам, пул ҳам у ерда «ачиб» ётгани, шарт-шароитларнинг зўрлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапираётганди. Гап орасида у, агарда хоҳловчилар бўлса, ўзи билан олиб кетажагини ҳам қистириб ўтди. Ҳамқишлоқлар қизиб, уни саволга тута бошлашди. Тўрабой ҳар қайси йигитга ҳозирнинг ўзида дастлаб ойига 100 минг сўмдан, кейинчалик 200 минг сўмдан иш ҳақи олишларини, ётоқ жой, озиқ-овқат пуллари бунга кирмаслигини, чегарадан ўтиб олиш, паспортни рўйхатга қўйиш сингари барча югур-югурлар ўзининг зиммасида эканини ҳам айтди.

Бу гаплар Юсуфга орзу-умидини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб кўринди.

Дастлаб Тўрабой сўзининг устидан чиқди ва ҳар қайси йигитнинг оиласига 100 минг сўмдан пул улашиб чиқди. Орадан икки кун ўтгач, улар «Қайдасан, Қозоғистон?», дея йўлга тушдилар. Сирдарё вилояти ҳудудидаги божхона постига келганда Тўрабой расмийлаштириш баҳонасида уларнинг фуқаролик паспортларини йиғиб олди. Улар оч-наҳор, ҳориб-чарчаб Чимкент шаҳрининг 4-Митти туманига етиб келганларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Биринчи тунни қурилиши тугалланмаган қандайдир бинода амал-тақал қилиб ўтказишди. Эрталаб Тўрабой бу ерга Асеке исмли кишини бошлаб келди. Маълум бўлишича, у ушбу чала иморатнинг эгаси экан. Улар нималарнидир ўзаро гаплашиб олишди ва шу ернинг ўзида Асеке Тўрабойнинг қўлига анчагина миқдорда Қозоғистон тенгесини тутқазди. Шундан сўнг Тўрабой йигитларга юзланиб, шу ерда ишлашлари кераклигини айтди-да, Асеке билан жўнаб кетди. Шу кетганча 4 ойдан кейин қорасини кўрсатди. Бу орада йигитлар кўрадиганини кўришди. Айрим кунлари нон-сув билан кифояланишса, баъзи кунларни оч-наҳор ўтказишга мажбур бўлишди. Уйга қайтишнинг эса имкони йўқ, паспортлари олиб қўйилган, чўнтакларидан эса шамол эсаяпти.

Барча қатори Юсуф ҳам алданганини тушунди. «Қишлоғимга эсон-омон қайтармиканман, ота-онамни соғ-саломат кўрармиканман?», деган ўй-фикрлар уни қийноққа соларди. Шунинг учун ҳам Тўрабой келганда ҳаммалари «Кетамиз, паспортларимизни қайтариб беринг», дейишди баравarига. Лекин одам савдоси билан шуғулланаётган савдогар уларнинг арзу додларини эшитмади, эшитишни истамади. Аксинча, маҳаллий 4-5 нафар бақувват йигитларни бошлаб келиб, ҳамқишлоқларини роса дўппослатди ва ташландиқ бир бинога қаматиб қўйди. Сув, нон беришни тўхтатди. Натижада 2-3 кун ичида тавбасига таянган йигитлар унинг шартларига кўнишга мажбур бўлишди. Тўрабой уларни Тулкибос шаҳридаги Талғат исмли шахсга сотиб юборди ва бу ердаги қурилишда ҳам роппа-роса икки ой текинга ишлаб беришди.

Бу пайтга келиб Юсуфнинг ҳам, шерикларининг ҳам тоқатлари тоқ бўлганди. Аммо осмон олис, ер қаттиқ. Сабр-тоқат қилишдан, чидашдан бошқа йўл йўқ. «Қул»ликка маҳкум этилганлар Асқар ва Улбўсин деган шахсларникида ҳам 4-5 ойдан «тер тўкиш»ларига тўғри келди.

...Ўша куни тонг отгандан кун ботганча мажбуран ишлаган, кўпдан-кўп оғир юмушларни бажарган, кейин эса оч-наҳор ҳолда ўринга чўзилган Юсуфнинг алламаҳалгача уйқуси келмади: «нега бировнинг қутқусига учдим? Ўз юртимда ота-онам бағрида юрсам бўлмасмиди? Ишласам иш озмиди? Бу ердаги ҳақоратланишлар, хўрланишларни ўзимиз сотиб олдик, эҳ?»

Азонда ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Қараса, ҳамқишлоқлари лаш-лушларини йиғиштиришаяпти. Улар уй эгасидан паспортларини амаллаб олишгани, энди тезроқ бу ердан кетиш кераклигини айтишди. Юсуф ич-ичидан қувониб, йиғлаб юборай деди. Назарида узоқ давом этган азоб-уқубатларга ҳозирдаёқ, шу ондаёқ чек қўйиладигандай туюлди.

Аммо йўл азоби осон кечмади. Чунки шунча ишлаганларига бир чақа ҳам маош олишмади. Улар пулсиз, овқатсиз тўрт кун поюпиёда йўл юришди. Бешинчи кун деганда уйларига етиб олишди. Бу пайтда ҳаммалари ҳолдан тойган, очлик ва ҳорғинликдан тинка-мадорлари қуриганди.

Қадрдон қишлоқ, қариндош-уруғлар меҳрига қонган адашганлар уч-тўрт кун ичида анча ўзларига келиб олишгач, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишди. Одам савдосидек қабиҳ жиноятга қўл урган, пул ва бойлик эвазига ҳамқишлоқларини «тирик товар»га айлантириш, «қул» қилиб сотиб юборишдан ҳам тап тортмаган Тўрабой Бекназаров одил суднинг қора курсисидан жой олди ва қилмишига яраша жазога тортилди.

Мақоламизга шу ерда сўнгги нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин Юсуф Худойбердиевнинг суд залида изтироб билан айтган қуйидаги сўзларини келтириб ўтишни лозим кўрдик:

«Ҳушёр бўлинг, одамлар! Кимларнингдир ширин сўзларига, таги пуч ваъдаларига учманг! Ўйламай ташлаган биргина қадам сизни «қул»лик томон бошлаши, оқибатда биз каби оғир кулфатларга дучор бўлишингиз мумкин. Эркингиз, тақдирингиз, келажагингизни оёқости қилманг, қул савдоси қурбонларига айланманг!»

**Жавлон ЖАББОРОВ, Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди раиси, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13887 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 22.25
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda